

**96. ТЕХНИК ҲОИДАЛАНИШ ВА ҲУЖАЛИК БУЛИМИ
ЭЛЕКТРОМОНТЕРИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:**

- Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;
- Иш жойини техника хавфсизлиги қоидаларига мос бўлиши ва асбоб-ускуналарни соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;
 - Йилда бир марта ўз касби бўйича, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги бўйича малакаси ва билимини синовдан ўтказишда қатнашиш;
 - Бириктирилган бино-иншоотлар ва ўқув хоналаридаги мавжуд сув, газ ва бошқа коммуникация тизимларни соз ҳолатда эканлигини ўрганиб чиқиш, аниқланган газ, сув, иситиш, канализация тармоғи тизимидаги барча носозликларни ўз вақтида сифатли созлаш;
 - Бўлим бошлиғи томонидан берилган ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш;
 - Филиал ва жамоа мулкни асраб-авайлаш ва мақсадли фойдаланиш;
 - Филиал бино-иншоотларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини ўз вақтида бажариш;
 - Техника хавфсизлиги бўйича даврий йўриқномадан ўтиш;
 - Иш жойларини тоза тутиш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиш;
 - Иш бошлашдан аввал ўз асбоб-анжомларини яроқлилигини текшириб кўриб сўнг улардан фойдаланиш;
 - Иш бошлашдан аввал юқори қучланишли электр жавонларини, электр тақсимлагич жавонларини ва ундаги электр сақлагичларни, электррозеткаларни, ўчиргичлар ва барча химоя воситаларини яроқлилигини техник назоратдан ўтказиш. Бирор носозлик сезса дарҳол таъмирлаб, шай ҳолга келтириш;
 - Тармоқда ишлаётганда шу тармоқни электр тақсимлагич жавонидан ўчириб қўйиш ва ўчганига тўла ишонч ҳосил қилиб сўнг ишлатиш;
 - Тармоқда ишлаётганда электр тақсимлагич жавонига қатта ҳарфлар билан ёзилган "ЁҚМАНГ ОДАМЛАР ИШЛАЯПТИ" огоҳлантирувчи тахтачани илиб қўйиш;
 - Электрликлар ишлаётганда яроқли асбоб-ускуналар, химоя воситалари (резина гиламча, резина қўл қоп ва бошқалар), махсус кийим-бошлари бўлиши шарт;
 - Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Ҳўжаликни юритишга тааллуқли Низом, йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидалари билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, ҳушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиши, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиши ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришини таъминлаш хусусиятларига;
- Ўрта-махсус маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМҚТМТЙКМ ва ОЙМҚ бўйича коди
5449.	Электромонтер	3114	Т	Ўрта-махсус	3310200, 3310700